# V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ[1)]

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 4736,8 млрд. сўм миқдорида якуний молиявий натижа олинди. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 462,5 млрд.сўмга купайган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 фоизни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари**

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2018йилнинг январь-ноябрига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **4736,8** | **110,8** |
| Кишлок,урмон ва балик хужалиги | 0,0 | 131,5 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 1,6 | 2,3 м. |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 4719,7 | 111,3 |
| Электр, газ, буг билан таъминлаш ва хавони кондициялаш | -21,6 | - |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 0,9 | - |
| Қурилиш | 4,9 | 2,6 м. |
| Савдо | 4,6 | 17,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 22,1 | 8,3 |
| Ахборот ва алоқа | 0,0 | 167,2 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 3,8 | 123,6 |
| Бошқариш буйича фаолият ва ердамчи хизматлар | 0,8 | - |

2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Узкимесаноат” АЖ (13,6 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (22,2 млрд.сўмга), Ўзбекистон

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Республикаси ёғ-мойсаноати корхоналари уюшмаси (7,9 млрд. сўм) “Ўзпахтасаноат”АЖ (7,4 млрд. сўм)га тўғри келади. Фойданинг пасайиши “Ўзбекгидроэнерго АЖ " (0,0 8млрд. сўм), "Ўзбекозиқовқатзахира уюшмаси" – (0,8 млрд. сўм) ҳисобига тўғри келди.

2019 йил январь-ноябрь ойлари якунлари бўйича йирик тижорат корхоналарининг фойдаси 4736,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 фоизли пунктга купайган.

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Нукус шаҳри – 4699,0 млрд. сўм (жами фойданинг 99,2%), Хўжайли 7,6 млрд. сўм ( 0,2 %), Амударё 4,4 млрд. сўм ( 0,09%), Қўнғирот – 26,1 млрд. сўм (0,6 %) туманларига тўғри келади.

Шунингдек, ҚораўзакМўйноқ ва Шуманай туманларида йирик тижорат корхоналари мавжуд эмаслиги сабабли, ушбу туманлар бўйича фойда (зарар) миқдори келтирилмаган.

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида туман ва шаҳаралар кесимида якуний молиявий натижалари**

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2018йилнинг январь-ноябрига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **4736,8** | **110,8** |
| Нукус ш. | 4699,0 | 110,9 |
| *туманлар:* | | |
| Амударё | 4,4 | 145,3 |
| Беруний | 3,3 | 159,0 |
| Қонликўл | 2,0 | 138,5 |
| Кегейли | 2,3 | 2,8 м. |
| Қўнғирот | 26,1 | 6,5 м. |
| Нукус | 1,6 | 2,3 м. |
| Тахиатош | -14,3 | - |
| Тахтакупир | -0,2 | - |
| Тўрткўл | 3,2 | 66,3 |
| Хўжайли | 7,6 | 45,5 |
| Чимбой | 0,2 | 42,1 |
| Элликқалъа | 1,6 | 134,3 |

**Зарарлар.** 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида 5 та корхона ва ташкилотлар 27,4 млрд. сўм зарарга йўл қўйди. Зарарнинг асосий қисми “Иссиклик электр станциялари” АЖ -14,9 млрд. сўм (республика бўйича жами зарарнинг

54,4 %) “Узтрансгаз” АЖ -8,7 млрд. сўм (республика бўйича жами зарарнинг 31,7 %),Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантиришвазирлиги -1,2 млрд. сўм (4,3 %), “Дори-дармон” АК- 2,3млрд (8,4 %), Бошкалар - 0,3 млрд. сўм (1,2%), ҳиссасигага тўғри келмоқда.

**2019 йилнинг январь-ноябрида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари** *(жамига нисбатан % да)*




2019 йил январь-ноябрь ойларида 5 та корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлаган бўлиб, кўрилган зарарнинг умумий миқдори 27454,9 млн. сўмни ташкил этди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп зарар миқдори электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 23632,0 млн. сўм (корхоналар сони 2 та, 86,1 фоиз), савдода 2638,3 млн. сўм (зарар кўрган корхоналар сони 2 та, республика бўйича жами зарар миқдорининг 9,6 фоизи), ташиш ва сақлаш 1184,6 млн. сўм (корхона сони 1 та 4,3 фоиз) ҳиссаларига тўғри келди.

**2019 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

| | Корхоналар сони | Зарарсуммаси | |
|---|---|---|---|
| | | млн. сўм | жамига нисбатан % да |
| **Жами** | **5** | **27454,9** | **100,0** |
| Электр, газ, буғбилантаъминлашваҳавоникондицияла ш | 2 | 23632,0 | 86,1 |
| Савдо | 2 | 2638,3 | 9,6 |
| Ташишвасақлаш | 1 | 1184,6 | 4,3 |

**2019 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
*(жамига нисбатан % да)*



Зарар кўриб ишлаётган корхоналар Нукус шаҳри 12195,7 млн. сўм (корхоналар сони 3 та, республика бўйича жами зарар миқдорининг (44,4 фоизи), Тахиатош 14930,8 млн. сўм (корхоналар сони 1 та, 54,4 фоиз), Тахтакупир 328,4 млн. сўм (корхоналар сони 1 та, 1,2 фоиз) туманига тўғри келади.

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида туман ва шаҳарлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

| | *Корхоналар сони* | *Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да* | *Зарар суммаси, млн. сўм* |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **5** | **100,0** | **27454,9** |
| Нукус ш. | 3 | 44,4 | 12195,7 |
| Тахиатош | 1 | 54,4 | 14930,8 |
| Тахтакўпир | 1 | 1,2 | 328,4 |

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]**

2019 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий хажми 1850,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган - 8,6 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,4 %. Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 декабрига нисбатан 74,1 %, жами дебитор қарздорликдаги улуши 0,1 % га камайган.

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги** *(жамига нисбатан % да)*




2019 йил 1 декабрь ҳолатига жами дебитор қарздорликлар ҳажми 1850,1 млрд. сўмни ташкил этди, дебитор қарздорликларнинг аосий қисми "Ўзбекнефтегаз" АЖ 153,4 млрд. сўм (жамига нисбатан 8,3 фоиз), "Ўзпахтасаноат" АЖ 89,6 млрд. сўм (4,8 фоиз), "Иссиклик электр станциялари" АЖ 202,1 млрд. сўм (10,9 фоиз), "Узтрансгаз" АЖ 569,5 млрд. сўм (30,8 фоиз) "Каракалпак аймаклык электр тармаклары карханасы" АЖ 25,2 млрд. сўм (1,4 фоиз), "Ўздонмаҳсулот" АЖ 50,9 млрд. сўм (2,8 фоиз), "Ўзкимёсаноат" АЖ 18,8 млрд. сўм (1,0 фоиз) ҳамда бошқалар 740,6 млрд сўм (40,0 фоиз) ҳиссаларига тўғри келди.

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

| | *Жами, млрд. сўм* | *ундан:* | | | *Муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртмачилар* | *етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар* | *ички идоравий* | |
| **Жами** | **8,6** | **0,1** | **1,1** | **-** | **100,0** |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 8,5 | 0,0 | 1,1 | - | 98,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 0,1 | 0,0 | 0,0 | - | 1,2 |

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

| | *Жами, млрд. сўм* | *ундан:* | | | *Муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртмачилар* | *олинган бўнаклар* | *ички идоравий* | |
| **Жами** | **2,1** | **2,1** | **-** | **-** | **100,0** |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 1,6 | 1,6 | - | - | 76,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 0,5 | 0,5 | - | - | 23,8 |

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги** *(жамига нисбатан % да)*




2019 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорликлар ҳажми 2818,9 млрд. сўмни ташкил этди, кредитор қарздорликларнинг аосий қисми "Ўзбекнефтегаз" АЖ 68,9 млрд. сўм (жамига нисбатан 2,4 фоиз), "Ўзпахтасаноат" АЖ 197,6 млрд. сўм (7,0 фоиз), "Иссиклик электр станциялари" АЖ 316,8 млрд.сўм (11,2 фоиз), "Каракалпак аймаклык электр тармаклары карханасы" АЖ 83,4 млрд.сўм (3,0 фоиз) "Узтрансгаз" АЖ 80,5млрд. сўм (2,9 фоиз) Ўздонмаҳсулот" АЖ 39,9 млрд. сўм (1,4 фоиз), "Ўзбекистон темир йуллари"АЖ 38,5 млрд. сўм (1,4 фоиз), ҳамда бошқалар 1993,3 сўм (70,7 фоиз) ҳиссаларига тўғри келди.